

Қорақалпоғистонда диний соҳа ходимлари ва талабалар рағбатлантирилди



16:07 / 11.03.2023 1958

Бугун, 11 март куни «Вақф» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан Нукус Муҳаммад Ибн Аҳмад ал-Беруний ўрта махсус ислом билим юртининг ўқитувчи, техник-ходим ва талабалари ҳамда масжид имом-хатибларини моддий рағбатлантириш мақсадида хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида фонд томонидан 2 нафар энг фаол ва жонкуяр ўқитувчига 5 миллион сўмдан жами 10 миллион сўм, 2 нафар энг аълочи ва намунали талабага 3 миллион сўмдан жами 6 миллион сўм, 4 нафар техник ходимларига 1,5 миллион сўмдан жами 6 миллион сўм ва олис ҳудудлардаги кам даромадли 12 та масжид имом-хатибларига 5 миллион

сўмдан жами 60 миллион сўм, умумий ҳисобда 82 миллион сўм моддий рағбатлар ўз эгаларига тақдим этилганлиги ҳақида сертификатлар топширилди.

Манба: vaqf.uz





